



# РЕСПУБЛИКА МАҢНАВИЯТ ВА МАҦРИФАТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЖТИМОЙ-МАҢНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

**Мавзу: Бугунги дунёning мафкуравий манзараси**



Барчангизга маълумки, ҳозирги вактда дунёning турли миңтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний муросасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу бизнинг заминимизда тинчлик ва осойишталиктининг мустаҳкам кафолати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини, унинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

**Ш.Мирзиёев**

# ХОЗИРГИ ДАВР

Хозирги давр дунё ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир. Бутун ер юзи одамзод учун ягона макон хисобланади. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян ҳудудларни босиб олиш учун сон-саноқсиз урушлар бўлган. Бу жараёнда эса уруш куроллари мунтазам такомиллашиб борган. Мазкур урушлар то XX асргача асосан кўпроқ бир ё икки давлат ёхуд минтаقا ўртасида бўлган.



# ГЛОБАЛЛАШУВ ҲАЁТ СУРЪАТЛАРИНИНГ БЕҚИЁС ТЕЗЛАШУВИ СИФАТИДА

Глобаллашув (лот, *globus* – “шар”, “Ер сайёраси”; ингл, *globalization* – “оммалушув”) – XX асрнинг иккинчи ярми XXI аср бошида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартиботлар, давлатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф-муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, ахборот-мағкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб боришини ифода этувчи тушунча.

# ГЛОБАЛЛАШУВ



Техник-технологиянинг юксак даражада ривожланиши Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида кайд этганидек, глобаллашувнинг икки кўринишини юзага келтирди. **Биринчиси** ижобий хусусият бўлиб, инсониятнинг ўзаро ахборот, технология алмашуви тезлашди ва халқлар яқинлашмоқда.

**Иккинчиси** салбий бўлиб, унга кўра, муайян халқ манфаатлари, қадриятлари устувор қўйилмоқда ва миллий анъаналар, маданиятлар инкор қилинмоқда.

# МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ГЛАБАЛЛАШУВИ

Бунда бир-биридан тубдан фарқ қиласиган икки йўналиш, тенденция намоён бўлмоқда. Жумладан, инсоният цивилизацияси тарихида эришган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларниң умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб, байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда.

# “ДЕМОКРАТИЯ ЭКСПОРТИ”

“Бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун “Эркинлик ва демократияни олға силжитиш” никоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади”.



**Ислом Каримов**

**“Юксак маънавият – енгилмас куч”**

# ДУНЁДА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ МАВЖУДЛИГИ

Хозирги дунёда муаммоларни ҳал этиш учун куч ишлатиш тенденциясидан ҳамон воз кечилгани йўқ. Бир гурух ғаразгўй кимсалар томонидан топилаётган муаммолар давлатлар муносабатларига чиқиб кетмоқда. Натижада, жаҳонда уруш ўчоқлари ўчмаяпти ва аксинча, уларнинг янгилари пайдо бўлмоқда. Катта саккизлик давлатларининг қўпчилиги бу урушларда қатнашиб, қурол-яроғларини синовдан ўтказиб олмоқда. Бунинг оқибатида дунёда қашшоқлик, иқтисодий инқироз ва ижтимоий муаммолар барҳам топмаяпти. Глобаллашувнинг ижобий имкониятлари шубҳа остида қолмоқда.

## МИНТАҚАДА ЕТАКЧИЛИККА ИНТИЛИШ

Бу мафкуравий жараён бугунги кунда дунёning барча минтақаларини қамраб олди. Унга кўра, муайян давлатлар ўз муаммоларини ҳал этиш, иқтисодий фаровонликка эришиш учун қўшни давлатлар ва ўзга халқларнинг манфаатларини ҳисобга олмаяпти. Натижада, трансмиллий можаролар кучайиб, глобаллашув жараёнларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур жараён аслида “бўлиб ташла – ҳукмронлик қил” иллатининг ҳосиласи экани англаб олинмаяпти.

## ИНСОНИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ ЗАИФЛАШУВИ

Мазкур мафкуравий ҳодиса энг ташвишлisisидир. Чунки инсон ўз кашфиётларига маҳлиё бўлиб, дунёқарашиб, ахлоқ ва фаолият жиҳатидан заифлашиб бормоқда. Терроризм, экстремизм ва “демократияни олға силжитиш” ҳаракатлари шунинг натижасидир. Бу ҳаракатлар миллий бирлик, биродарлик ва ҳамкорликка раҳна солмоқда.

Инсониятнинг маънавий заифлашуви унинг ўзига зарар келтироқда. Билим олиш, келажакни ўйлашиб ва ижтимоий ахлоқ қоидаларига риоя қилиш ўрнига нафсга берилиш, шаҳват домига тушиш ва бугунги кун билан яшаш эгаллаб бормоқда.

# МАЬНАВИЙ ТАҲДИД

Глобаллашув жараёнлари хукм суроётган шароитда миллий ўзликни сақлаб қолиш муаммолари, миллатнинг маънавий-ахлоқий, этно-маданий ва тарихий қадриятлари барҳам топишига қаратилган хавф-хатарлардан бири бу маънавий таҳдидлардир.

HACKTIVISM



CRIME



INSIDER



ESPIONAGE



TERRORISM



WARFARE



# МАЬНАВИЙ ТАҲДИД

## Маънавий таҳдидларнинг хусусиятлари

тил танламайди

дин танламайди

эътиқод танламайди

## Маънавий таҳдидларнинг зарари

инсон эркинлигига дахл қиласади

инсон рухий дунёсини издан чиқаради

мақсадли амалга оширилади

## Маънавий таҳдидларнинг турлари

мафкуравий


ғоявий

информацион

**Мафкуравий ваҳима** (ингл, Moral panic, moral - “мафкура, ахлок”, panic - “ваҳима, қўркув”). Мафкуравий ваҳима бу жамиятдаги мавжуд тинчлик ҳолатига раҳна солиш хавфи билан аҳолини қўрқитиш мақсадида муаммоларни тақдим этишдир. **“Фольклор(маҳаллий) иблислар ва мафкуравий (маънавий ва ахлоқий) ваҳима”** асари муаллифи **Стенли Коҳенга** фикрига кўра мафкуравий ваҳима жамият қадриятлари ва қизиқишиларига хавф ва қўркув соладиган вазият, воқеа, киши ёки кишилардан иборат гуруҳларнинг пайдо бўлиши натижасида содир бўлади; жамиятга, маданий қадриятларга хавф келтириб турувчи шахслар **“фольклор иблислар”** деб атала бошланди. Ахлоқий ваҳима тортишув ва ижтимоий тангликни ўз ичига қамраб олган қарама-қаршиликдир, бунда муросасизлик қийиндир. Чунки, унинг марказида турган муаммонинг ўзи таъкиқланган. Оммавий ахборот воситаларининг ўзи узок давр мобайнида “мафкуравий-нафрат агенти” сифатида фаолият кўрсатди.

## **“РАНГЛИ ИНҚИЛОБ”ЛАР**

“Рангли инқилоб” деб күпинча қатор Шарқий Европа мамлакатларида маҳаллий ахолини уюштирган, ҳарбийлар иштирок этмаган, аммо одатда сиёсий режим алмашиниши билан тугалланадиган кўча тартибсизликлари ва оммавий намойишларига айтилади. Баъзи ана шундай мамлакатларда ҳатто ҳокимият тепасидаги сулолалар ҳам алмашади.





**2003 йил – Грузиядаги Атиргуллар инқилоби;**

**2004 йил – Украинаадаги Зарғалдоқ ранг инқилоб;**

**2005 йил – Қирғизистондаги Лолалар инқилоби;**

**2006 йил – Белоруссияда инқилоб қилишга уриниш;**

**2008 йил – Арманистондаги рангли инқилоб қилишга уриниш;**

**2009 йил – Молдавияда инқилобга уриниш;**

**2010-2015 йиллар – Яқин Шарқ ва Украинаадаги инқилоблар.**

**2018 йилга Арманистон инқилоби**

# ИНТЕРНЕТ



## **ИНТЕРНЕТ (ЛОТ, INTER – “АРО” ВА NET (WORK) – “ТАРМОҚ”):**

- 1) катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармоқларини ўзаро боғлайдиган бутун жаҳон компьютер тизими, бутун дунё бўйлаб фаолият кўрсатадиган халқаро ахборот алмашувининг глобал компьютер тармоғи;
- 2) турли-туман масалалар ва соҳалар бўйича маълумотларни қамраб оладиган, узок, масофалардан туриб алоқани амалга ошириш, электрон тижорат, масофавий таълим, аудио, видео, теле, тасвир айирбошлиш ва умуман, кўпдан-кўп янгилик ва маълумотларни жамлайдиган электрон ахборот воситаси ва дастурини англатувчи тушунча.

## МУТААССИБЛИК

Мутаассиблик – инсоннинг бирор ғоя, ақида ёки одатларга меъёридан ортиқ даражада ишониши (фанатизм). Мутаассиб одатда ўзининг тушунчаларини ва қарашларини мутлақ ҳақиқат деб билади. Ўзгалар фикр-мулоҳазаларини эшитишни ҳам истамайди. “Мен ҳақман, менинг билганларим тўғри,” – деб ўзини ишонтиради ва руҳий жиҳатдан айнийди.

Мутаассиблик мақсадли ва онгли равишда ғаламис ва ғаразгўй кимсалар, гурӯхлар томонидан амалга оширилади. Айниқса, ёшларнинг онгини заҳарлаб, ўзларининг зарарли мақсадларини амалга ошириш учун фойдаланади.

## МУТААССИБЛИКНИНГ ЗАРАРЛИ ОҚИБАТЛАРИ

Мутаассибликнинг заарли оқибатлари моддий заарлардан ўнлаб баробар устувор туради. Бу заарли оқибатларнинг энг асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Мутаассиблик шахс ақлини заифлаштиради.

Мутаассиблик шахс қарашлари ва фикрларини дормалаштиради.

Буларнинг натижасида одам манқуртлашиб боради.

Барча замонларда мутаассиблик қораланиб келинган. Туркий халқлар мутафаккирларидан бири **Ч.Айтматов** мутаассиблик охир-оқибатда инсоннинг наслига дахл қиласи, деган фикрга келган (“Қиёмат” асари).

**Мафкуравий бекарорлик** – кишилик жамиятига хос муайян хусусиятлардан бири; мафкуравий соҳадаги тамойилларнинг қарор топмагани, доимий бўлмагани, муқим бўлмагани каби маъноларни англатади. Бу тушунча гоҳида ижтимоий ҳаётда мафкураларнинг алмасиб туриши жараёнини изоҳлаш учун ҳам қўлланилади. Мафкуравий бекарорлик, асосан, муайян бир худудда давлат тизими бир ижтимоий-иктисодий тузумдан бошқасига ўтиш даврида юзага келади. Шу нуқтаи назардан олганда, Мафкуравий бекарорликни - муайян тарихий шароитда юзага келадиган ғоявий ўзгарувчан ҳолат деб ҳам аташ мумкин.

## **ҒАЛАБА ФОРМУЛАСИ**

Бунинг маъноси шуки, заарли ғояларга қарши миллий ғоямиз қўйилади. Чекланган фикрларга қарши миллий мафкурамизни қўллаймиз. Жаҳолатли ҳаракатларга қарши ҳаққоний билимдонликни қўямиз. Шу маънода мутаассибликнинг олдини олиш асоси учта:

**МИЛЛИЙ ҒОЯ**

**МИЛЛИЙ МАФКУРА**

**ЧУҚУР БИЛИМ**

Ғоя мақсадни, мафкура фаолиятни, билим эса саодатни беради. Бизнинг йўлимиз шундан иборат.

# МАФКУРАВИЙ ПОЛИГОНДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ЁТ ҒОЯЛАР ОЛИШУВИ

Бундай таҳдид ва таъсирларга факат кучли ғоя, ўзликни англаш, соғлом мафкурагина қарши тура олади. Мафкуравий полигонлар ядро полигонларидан хавфлироқ бўлиб бораётган бу вазиятда миллий истиқлол ғоярини ёшлар онги ва қалбига сингдириш нихоятда мухим. Истиқлол ғояси фуқароларни тафаккур қуллигидан қутқаради, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва фаровон турмушни таъминлашга ёрдам беради, мустаҳкам мафкуравий иммунитет ҳосил қилишга хизмат қиласди.





**ЭТЬИБОРИНГИЗ  
УЧУН РАҲМАТ**